Куч — адолатда

2015 йил
14 август,
жума
№ 32 (545)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!





Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларини Фарғона водийси билан боғлайдиган, Евроосиё трансмиллий транспорт йўлагининг муҳим бўғини бўлган Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўлининг қурилиш жараёни ҳақида ёзиш учун Қамчиқ довонига кетаяпмиз. Демак, суҳбатимизнинг бош мавзуси иқтисодиётнинг асосий қон томири бўлган темир йўл транспорти, бу йўналишда мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар самараси ва истиқболи ҳақида.

БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИМИЗ ТИМСОЛИ

Биласиз, илгари поездларимиз юк ва йўловчи ташишда қўшни давлатлар ҳудудини кесиб ўтган, бу ортиқча чиқимдан ташқари турли сансалорлигу асаббузарликлар, вақт йўқотишга олиб келган. Янги темир йўллар қуриш, ягона темир йўл тизими барпо этиш дунё океанига чиқадиган денгиз, халқаро транзит йўлларидан олисда ва четда бўлган Ўзбекистонимиз учун ҳаётий зарурат эди.

Президентимиз Ислом Каримов Ватанимиз истиқлолининг дастлабки йиллариданоқ яхлит ва ягона темир йўл тизимини яратиш ғоясини илгари сурди. Амударё узра автомобиль ва темир йўл қатнови учун мўлжалланган замонавий кўприкни ўз ичига олган Навоий-Учқудуқ-Нукус-Султон Увайстоғ темир йўлининг барпо этилиши бу борадаги дастлабки қадам бўлди.

Шимолий йўналишда дарвоза очиш, шу минтақадаги бой ер ости табиий захираларини ўзлаштириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, пировардида ушбу ҳудудда истиқомат қилаётган одамларнинг ҳаётини обод қилишда бу иншоот мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Бугун унинг юксак самараси ва таъсирини воҳадаги хўжалик ва ташкилотлар, ҳар бир оила ўз ҳаёти мисолида яққол кўриб турибди.

Орадан атиги уч йил ўтиб, Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл линияси ишга туширилди. Ушбу бунёдкорлик иншооти мамлакатимизда ягона миллий темир йўл тизимини яратишнинг навбатдаги муҳим босқичи бўлди.

(Давоми иккинчи бетда)

Islohot va samara

«Хабеас корпус» институти

одил судлов самарадорлигини янада ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг самарали воситасидир

Мамлакатимиз истиқлол йилларида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан дадил одимлаб бормоқда. Ўтган даврда ҳуқуқий давлатнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ этиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор вазифаси сифатида белгиланиб, мутлақо янгича концепция асосида жорий этилди.

Айтиш керакки, суд тизими ижро этувчи ҳокимият органларининг назорати ва таъсиридан чиқарилди. Судларнинг ваколати тубдан кенгайтирилиб, айни пайтда ўзига хос бўлмаган вазифалардан озод этилди. Дастлабки тергов устидан суд назорати кучайтирилди. Судларда ишларни кўриб чиқишнинг қатъий муддатлари белгиланиб, кассация инстанцияси ислоҳ қилинди, ишларни қайта кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий этилди.

Шунингдек, суд тизимини малакали, етук кадрлар билан таъминлашда судьялик лавозимига кадрларни танлаш ва тавсия этиш бўйича замонавий демократик тамойилларга асосланган ҳуқуқий механизм яратилди. Яъни туманлараро, туман (шаҳар) судларининг судьялиги лавозимига илк бор тайинланаётган шахслар учун ёш цензи 25 ёшдан 30 ёшга кўтарилди, беш йиллик юридик иш стажи шарт қилиб қўйилди, уларнинг касб тайёргарлигига нисбатан малака талаблари кучайтирилди.

Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилди. Суд тизимида электрон ҳужжат алмашинувини жорий этишга, суд ҳужжатлари сақланадиган ягона маълумотлар базасини ва суд ҳисоботларини тузишни автоматлаштиришга қаратилган — "E-Sud" электрон судлов миллий ахборот тизими ишлаб чиқилди. Хўжалик судларида ва фуқаролик ишлари бўйича судларда мурожаатларни ва мурожаатларга жавобларни электрон почта орқали амалга ошириш белгиланди. Бу эса, фуқароларнинг вақти ва маблағи тежалиши, ҳуқуқларининг тезроқ тикланишига имконият яратмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Mezon

Тадбиркорлик фаолиятининг кафолатли ҳимояси

юртимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлигининг асосий омилларидан биридир

Истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Зеро, бу соҳа миллий иқтисодиётимиз тараққиётининг гаровидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизация қилиш жараёнларида хусусий мулкнинг ҳимоясини янада мустаҳкамлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатларини тўлиқ таъминлашга доир кенг қамровли чора-тадбирлар ҳаётга босқичма-босқич татбиқ этилмоқда.

Бу борада 2012 йил 2 майда янги таҳрирда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида", "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонунлар ва Президентимизнинг 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони, шунингдек, 2005 йил 21 сентябрдаги "Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида"ги, 2011 йил 12 майдаги "Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари асосида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилди, тадбиркорлик субъектларига нисбатан барча санкцияларнинг суд қарорига асосан қўлланилиши белгиланди.

(Давоми учинчи бетда)

Ватанга муҳаббат ва ифтихор туйғуси юксалмоқда

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази Мустақиллик байрами арафасида "Ўзбекистон: мустақилликнинг 24 йили" мавзусида ижтимоий сўров ўтказди.

Тадқиқотдан кўзланган мақсад мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий соҳаларда эришилган ютуқлар тўғрисида жамоатчилик фикрини ўрганиш, иқтисодиётнинг асосий тармоқларида рўй берган ўзгаришларни, шунингдек, фуқаролар дунёқараши ва тафаккурини, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини ошганини баҳолаш эди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Маълумки, бозор муносабатлари шароитида шартномавий муносабатлар иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи асосий омилларидан бири ҳисобланади. Шу боис мамлакатимизда эркин тадбиркорлик муҳитини яратиш, мулкдорлар синфини шакллантириш орқали иқтисодий тараққиётга эришиш мақсадида, шартномавий муносабатларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Qonun ko`magi

Мулкий ҳуқуқлар

шартнома шартларига амал қилиш билан таъминланади

Энг муҳими, бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилганини алоҳида қайд этиш керак. Жумладан, амалдаги Фуқаролик кодексининг 353-моддаси биринчи қисмига кўра, икки ёки ундан ортиқ шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ўзаро келишувга шартнома деб аталади.

Шартнома ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Аммо шартноманинг ҳаракати бу билан чекланмайди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Istiqlol imkoniyatlari

Кассация институти

одил судловни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади

Маълумки, одил судлов сифатини таъминлаш ва қонун устуворлигига эришишда суд томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг қонунийлиги, адолатлилиги ва асослилиги муҳим ўрин тутади.

Айтиш керакки, юртимиз суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, жиноят ишларининг апелляция, кассация ва назорат тартибида кўрилиши айбланувчи, судланувчининг қонуний ҳуқуқлари муҳофаза этилишига янада кенг йўл очди. Зеро, ушбу инстанциялар текшируви натижасида судлар томонидан йўл қўйилган айрим хато-камчиликлар ўз вақтида аниқланиб, тузатилмоқда.

Бу ҳақда сўз борганда, кассация институтининг мавжудлиги фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд йўли билан ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлаш жоиз. Бинобарин, кассация тартибида иш юритиш жиноят ишлари бўйича суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишда муҳим ўрин тутади.



(Давоми иккинчи бетда)

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

Айтинг-чи, фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилганда аризада қандай маълумотлар кўрсатилиши талаб этилади?

Бобур ИЛҲОМОВ,
Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани

— Маълумки, амалдаги Фуқаролик-процессуал кодексининг 148-моддасига асосан, судда фуқаролик ишлари ёзма равишда ариза бериш йўли билан қўзғатилади. Ушбу кодекснинг 149-моддаси талабига биноан, аризада қуйидагилар кўрсатилиши лозим: ариза берилаётган суднинг номи; даъвогарнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ва яшаш жойи, агар даъвогар ташкилот бўлса, унинг номи ва қаерда жойлашганлиги, шунингдек, агар ариза вакил томонидан берилаётган бўлса, вакилнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ва манзили; жавобгарнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), яшаш жойи ёки агар жавобгар ташкилот бўлса, унинг номи ва қаерда жойлашганлиги; даъвогарнинг талаби; агар даъвони баҳолаш лозим бўлса, унинг баҳоси; даъвогар ўзининг талабларига асос қилиб кўрсатаётган ҳолатлар ва бу ҳолатларни тасдиқлайдиган далиллар; аризага илова қилинган ҳужжатларнинг рўйхати.

Судга тақдим этилаётган ариза даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Агар ариза вакил томонидан берилган бўлса, аризага ишончнома ёки унинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат илова қилиниши лозим.

Бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ёки айрим фуқаролар томонидан бериладиган аризаларда, юқорида қайд этилган маълумотлардан ташқари, ариза кимнинг манфаатини кўзлаб берилган бўлса, ўша шахснинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ва манзили кўрсатилиши лозим.

Тақдир экан, яқинда эрим билан қонуний тартибда ажрашдик. Бир нафар қизим менинг қарамоғимда қолди. Аммо ўртадаги мол-мулкни бўлишда низо келиб чиққанлиги учун судга мурожаат қилдим. Эрим билан бирга яшаган пайтимизда банкда қизимнинг номига омонат қўйган эдик. Саволим шуки, умумий мол-мулк бўлинаётганда мазкур омонат қандай тартибда ҳал этилади?

Нигора ШОЕВА,
Андижон вилояти, Андижон шаҳри

— Сизнинг саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, Оила кодексининг 23-моддасига мувофиқ эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади. Мазкур кодекснинг 27-моддасида эса, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш ҳақидаги норма белгилаб қўйилган. Жумладан, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш эр ва хотиндан бирининг талабига кўра, улар никоҳда бўлган даврда ҳам, никоҳдан ажралишгандан кейин ҳам, шунингдек, кредитор эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкдаги улушига ундирувни қаратиш учун умумий мол-мулкни бўлиш талаби билан арз қилган ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

Низо туғилган ҳолларда эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш, шунингдек, эр ва хотиннинг бу мол-мулкдаги улушини аниқлаш суд тартибида амалга оширилади.

Умумий мол-мулкни бўлишда суд эр ва хотиннинг ҳар бирига мулкнинг қайси қисми берилиши лозимлигини аниқлайди. Эр (хотин)га унга қарашли улушдан ошиқ қийматга эга бўлган мол-мулк бериладиган ҳолларда, хотин (эр)га тегишли пул ёки ўзга компенсация белгиланиши мумкин. Оилавий муносабатлар тугатилганда, суд эр ва хотин алоҳида яшаган даврда орттирган мол-мулкни улардан ҳар бирининг ўз мулки деб топиши мумкин.

Вояга етмаган болалар эҳтиёжини қондириш учун олинган буюмлар (кийим-бош, пойабзал, мактаб ва спорт жиҳозлари, мусиқа асбоблари, болалар кутубхонаси ва бошқалар) бўлинмайди ҳамда болалар эр ва хотиндан қайси бири билан яшаса, унга компенсациясиз берилади.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобидан ўртадаги вояга етмаган болалар номига қўйилган омонатлар ўша болаларга тегишли ҳисобланиб, эр-хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш пайтида эътиборга олинмайди.

Маъмурий назорат кимларга нисбатан ўрнатилади? Илтимос, шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз.

Шавкат МУРОДОВ,
Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани

— Сизнинг бу саволингизга жавобни "Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасидан топиш мумкин.

Ушбу модда талабига асосан, маъмурий назорат вояга етган қуйидаги шахсларга нисбатан ўрнатилади:

а) оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган ёки ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан ортиқ марта ҳукм этилган шахсларга нисбатан, агар уларнинг жазони ўташ давридаги хулқ-атвори тузалиш ва ҳалол меҳнат қилиб кун кечириш йўлига ўтишни асло истамаганликларидан далолат берса;

б) оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган ёки ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан ортиқ марта ҳукм этилган шахсларга нисбатан, агар улар жазо муддатини ўтаб бўлганларидан сўнг ички ишлар идораларининг жамият учун зарарли кун кечиришни тўхтатиш тўғрисидаги огоҳлантиришига қарамай, жамоат тартибини мунтазам бузаётган ва фуқароларнинг қонуний манфаатларига путур етказаётган бўлсалар;

в) ўта оғир жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахсларга нисбатан.

Саволларга жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг судьяси Исматулла МАМАНОВ жавоб берди.

Бунёдкорлик салоҳиятимиз тимсоли

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Денгиз сатҳидан 1 минг 500 метр баландликдаги Ҳисор тоғ тизмаларини кесиб ўтган, узунлиги 223 километр бўлган мазкур темир йўлнинг ноёблиги шундаки, у нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақа тараққиётида, қолаверса, неча асрлар мобайнида Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган қадимий Буюк ипак йўлини қайта тиклашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, дарё транспорти нисбатан хавфсизлиги ва арзонлиги билан қолган транспортлардан ажралиб туради. Жуғрофий жойлашуви жиҳатидан халқаро коммуникация ва денгиз йўлларидан олисда бўлган Ўзбекистон учун уммонга чиқиш иқтисодий салоҳиятнинг янги қирраларини очишда ғоят муҳим ҳисобланади.

Йўл қурганнинг йўли очиқ, деган чуқур маъноли сўзлар биринчи бўлиб ким томонидан, қачон ва қаерда айтилгани ҳақида бир нима дейиш қийин. Ҳар ҳолда, бу сўз мустақиллик йилларида бутунлай янгича мазмун касб этгани ва амалда ўз исботини топгани бугун барчага аён.

Буни бугунги кунда катта истиқболга эга бўлган муҳим лойиҳа сифатида қаралаётган, транспорт-коммуникация соҳасидаги яна бир йирик иншоот — Ангрен-Поп йўналишидаги янги электрлаштирилган темир йўл тармоғининг қурилиши мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

...Қурама, Чоткол тоғларининг қоқ ўртасидан кесиб ўтган Қамчиқ довонига етиб қолдик. Ана, Оҳангарон сув омборидан ўтдик. Тангатопди қишлоғи ҳам ортда қолди. Биз ўтирган "Нексия" машинаси шундоққина тоғ этагидаги "Довон" деб номланган савдо растаси ёнига келиб тўхтади.

Дарвоқе, Довон ҳақида тарихий манбаларда маълумотлар кўп учрайди. Ёзма манбаларда қайд этилишича, милоддан олдин Фарғона водийсида етмишдан ортиқ катта-кичик шаҳарлар бўлган. Улардан бирининг номи — Даван. Унинг асосий қисми, бошқарув ва ишлаб чиқарувчи кучлари шарқий Фарғонада ўрнашган. Ўзининг геосиёсий жойлашувига кўра, мазкур ҳудуд Бақтрия, Сўғд, Чоч каби тарихий ўлкаларнинг Хитой билан савдо, иқтисодий ва маданий алоқаларида ўзига хос кўприк вазифасини ўтаган. Яна бир муҳим ҳужжатда Давандан ҳар бири филдай келадиган афсонавий учқур отлар келтирилгани ва тўғри саройга жўнатилгани ҳақида ёзилади.

Тарих гардишга ўхшайди. Ундаги воқеалар бироз ўзгариш билан мудом такрорланиб туради, дейишади. Рост экан! Қаранг, орадан неча замонлар ўтди. Арт, Ақба, Қўтал номлари билан юритилган ушбу тарихий маскан яна тарихий воқеаларнинг шоҳидига айланмоқда. Фақат бу сафар бу ерлардан Хитойга "ҳар бири филдай келадиган афсонавий учқур отлар" эмас, таранг тортилган тасмадек темир йўл узра поездлар боради.

Бундан бор-йўғи 25-30 йил илгари бу ерлардан темир йўл ўтади, деса ҳеч ким ишонмасди. Боиси, ушбу ҳудуднинг баланд тоғ қоялари, чуқур сойликлари, пасту баланд адирлари узра поездлар қатновини йўлга қўйиш ақлга сиғмас иш эди-да! Миллионлаб куб метр қоя ва харсангларни бўлаклаш, уюм-уюм тошларни ортиш, ташиш, тўкиш, шиббалаш каби оғир ва мураккаб жараёнларда иш сифатини таъминлаш, жуда тиғиз белгиланган муддатларга қатъий амал қилиш, устига-устак, атроф-муҳит ва табиатга зарар етказмасдан ишлаш — буларнинг бари айтишгагина осон, холос.

Бунёдкор халқимиз бундай хаёлларни ҳақиқатга айлантирди. Мустақиллик даври кишиларининг ўткир зеҳни, собит қадами, қатъий хоҳиш-иродаси ва азму шижоати эвазига халқимизнинг яна бир орзуси ушалди.

Уфқи йўқ хаёллар, қўйиб берсангиз, қаерларга олиб қочмайди. Бироз тин олгач, мақсад, манзил сари юрдик. Олдинда бизни денгиз сатҳидан 2,2 минг метр баландликда жойлашган Қамчиқ довони орқали қурилаётган 19 километрлик темир йўл туннели кутмоқда.

Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўл линиясининг узунлиги қарийб 124 километр. Келинг, дастлаб ушбу линиянинг қурилиш жараёнига қисқача тўхталиб ўтайлик.

Аввал мўлжалдаги ҳудуд обдон текисланиб, қотирилди. Кейин муайян вагонларда кўкиш тус шағал тўкиб чиқилди. Шағал устига пайдар пай рельс ётқизилди, электр сими тортилди. Қилни қирқ ёрадиган, моҳир қурувчиларнинг қўли-қўлига тегмади. Ҳатто тушлик вақтида ҳам кўзларини рельсдан узмай, иш жараёнини муҳокама қилади. Нимадандир мамнун, нимадандир дилхун ўзаро чуғурлашади. Бу куйиб-ёнишлар ўз самарасини кўрсатди. Жорий йилнинг ўтган ойларида 186,7 миллион доллар ўзлаштирилди. Бугунги кунгача 285 сув ва 6 йўл ўтказгич, 13 темир йўл кўприги, "Орзу" вокзали, "Кўл", "Темирйўлобод", "Қўшминор" станциялари қуриб битказилди.

Йўл-йўлакай Қурама тоғининг белида қурилган "Орзу" вокзалини ҳам кўриб ўтдик. Янги вокзал биносида кутиш зали, она ва болалар хонаси замонавий тарзда, юксак дид билан бунёд этилган. Ногирон йўловчилар аравачалар билан чиқиши учун қулайликлар яратиш ҳам эътибордан четда қолмаган.

Айни пайтда қурилиш ишларининг мураккаблиги бўйича дунёда 8, узунлиги жиҳатидан 13, МДҲ мамлакатлари орасида биринчи ўринда бўлган туннелнинг қарийб 70 фоизи битибди. Туннелнинг қолган участкасида қазиш ва пардозлаш ишлари жадал давом этаётир. Қурама тоғининг нақ кўксини ёраётган техникаларнинг шовқин-сурони, қурувчи-йўлсозларнинг гоҳо қувноқ, гоҳо тажанг қийқириқлари қулоғингизни қоматга келтиради.

Сардаладан бошланиб, Чодак қишлоғигача давом этадиган туннелни қуриш ва пардозлаш ишларида дунёга машҳур "China railway tunnel group" қурилиш компаниясининг ходимлари кўмаклашмоқда. Асосий туннелда шу кунгача қарийб 13 километр, қўшимча туннелда 14 километр қазиш ишлари бажарилди.

— Ўзбекистонда биринчи марта бўлишим. Лекин ўзим темир йўл қурилиши соҳасида кўп йиллардан бери ишлаб келаётганим учун мамлакатингизнинг бу борадаги салоҳияти ҳақида кўп эшитганман, — дейди "ChRTG" қурилиш компанияси масъул ҳодими Ху Зенг Пинг. — Қурилиши деярли ниҳоясига етай деб қолган мазкур темир йўл Ўзбекистон иқтисодиёти учун қанчалар аҳамиятли эканини изоҳлаб беролмайман. Темир йўл борган жойга тараққиёт боради, ўсиш, ривожланиш боради. Демоқчиманки, Ўзбекистон танлаган йўл нечоғли тўғри экани йилма-йил исботланиб бормоқда.

Ху Зенг Пинг ҳақ гапни айтди. Боиси, ушбу темир йўл тармоғининг ишга туширилиши Фарғона водийси вилоятларини Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари билан ишончли тарзда боғлайди. Мамлакатимизнинг бутун ҳудуди бўйлаб ягона темир йўл транспорти тизимини шакллантириш борасидаги ишларни якунига етказади. Юртдошларимиз ва чет эллик меҳмонлар замонавий электр поездларда Тошкентдан Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятларига, водийдан мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига ҳеч бир қийинчиликсиз бориш имкониятига эга бўлади.

Мустақил давлатимизнинг инсон манфаатлари йўлида узоқни кўзлаб амалга ошираётган сиёсатини, ҳаётбахш иқтисодий ислоҳотларимизни кўролмайдиган, пана-панадан тош отиб, ҳар хил миш-мишларни тарқатишга ўч кимсалар, афсуски, учраб туради... Бундайларнинг иғволарига жавобан халқимизнинг машҳур мақолини эслатамиз: "Ит ҳурар — карвон ўтар". Зеро, бу карвоннинг узоқни кўра оладиган, доно Сарбони бор. Бундай карвон ҳеч қачон завол кўрмагай...

Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўли қурилишининг мамлакатимиз равнақига қўшадиган ҳиссаси шундаки, бу йўл Хитой — Марказий Осиё — Европа янги халқаро транзит темир йўл коридорининг энг муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади. Кўп асрлар давомида мудраб ётган тоғлар қаърида қолиб келаётган бой ер ости минерал ресурсларини ва бошқа сифатли, қимматбаҳо фойдали қазилмаларни ўзлаштириш учун катта имкониятлар очиб беради. Иқтисодий тараққиётнинг белгиси бўлмиш қурилиш ва саноат, транспорт ва алоқа, хизмат соҳаларини ривожлантиришга, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, умуман, янги-янги маданий ўчоқлар очилишига, ҳаётни жонлантиришга, унинг суръатларини тезлаштиришга мустаҳкам замин яратади. Ўзбекистоннинг чет давлатларга чиқиш ва экспорт имкониятини, шу билан бирга, мамлакатимизнинг транзит ролини кенгайтириш борасидаги салоҳиятини кескин оширади...

Вақт бир ерда тўхтаб турмайди. Орадан кун, ҳафта, ой, йиллар, замонлар ўтади. Лекин мана шундай беқиёс мўъжизалар яратишга қодир бўлган халқимизнинг меҳнат жасорати, Ватанга муҳаббат ва садоқати, наинки ўзини, келгуси авлодларининг ҳам манфаатини ўйлаб бажарган буюк ишлари халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин тимсоли сифатида тилларда достон, келгуси наслларга намуна бўлиб қолади.

Бекзод ҲИДОЯТОВ,
ЎзА махсус мухбири

Maslahat

Меҳнат низолари

қандай ҳолларда бевосита туман (шаҳар) судларида кўриб чиқилади?

Амалдаги Меҳнат кодексининг 269-моддасида бевосита туман (шаҳар) судларида кўрилиши лозим бўлган меҳнат низолари ҳақида сўз юритилган.

Унга кўра, меҳнат низолари қуйидаги ҳолларда бевосита туман (шаҳар) судлари томонидан кўриб чиқилади:

1) агар ходимнинг иш жойида меҳнат низолари комиссияси тузилмаган бўлса;

2) улар меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларидан қатъи назар, ишга тиклаш тўғрисида, меҳнат шартномасини бекор қилиш вақти ва асослари таърифини ўзгартириш тўғрисида, мажбурий прогул ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақт учун ҳақ тўлашга доир бўлса;

3) улар ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарнинг тўланиши ҳақида бўлса;

4) улар меҳнат вазифаларини бажараётганда ходимнинг соғлиғига шикаст етказилгани оқибатидаги зарарни (шу жумладан, маънавий зарарни) ёки унинг мол-мулкига етказилган зарарни иш берувчи томонидан тўланиши ҳақида бўлса;

5) улар ушбу кодекснинг 78-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда ишга қабул қилиш рад этилганлиги ҳақида бўлса;

6) улар иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан олдиндан келишиб ҳал этилган масалалар юзасидан келиб чиққан бўлса.

Ушбу модданинг биринчи қисмида санаб ўтилган меҳнат низоларидан бошқа низолар ҳам, ходимнинг хоҳишига кўра, бевосита туман (шаҳар) судларида кўрилади.

Мансабдор шахслар томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш тўғрисидаги меҳнат низолари, агар мансабдор шахслар етказган зарар хўжалик низосини кўриб чиқиш пайтида аниқланган бўлса, хўжалик суди томонидан ҳам кўриб чиқилади.

Меҳнат низоси меҳнат низолари комиссиясида кўрилмаган, деган важ билан ходимнинг аризасини кўриб чиқишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Лазиз ҚОДИРҚУЛОВ,
Олий суд катта консультанти

Istiqlol imkoniyatlari

Кассация

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу тариқа кассация инстанцияси жиноят процесси иштирокчиларининг иш юқори суд инстанциясида суд қарори қонуний кучга киргандан сўнг қайта кўрилишига бўлган ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий институт ҳисобланади.

Суд қарорларини кассация тартибида текшириш маҳкумнинг ва процесс бошқа иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

Кассация инстанциясининг афзалликларидан бири шундаки, жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларга нисбатан агар улар ҳали судланган ҳисобланса, шунингдек, қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун қабул қилинган тақдирда ҳамда реабилитация қилиш учун асослар бўлганда, бу инстанция суди айблов ҳукмини бекор қилиб, ушбу шахсга нисбатан жиноят ишини Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасига мувофиқ тугатади.

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратсак, суднинг ҳукмига асосан, А.Исаков Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "г" банди билан айбдор деб топилган ҳамда мазкур кодекснинг 45-моддаси қўлланилиб, 1 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, ҳар ойлик иш ҳақининг йигирма фоизини давлат фойдасига ундирган ҳолда икки йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тортилган.

Ишда аниқланган ҳолатларга кўра, А.Исаков "Микрокредитбанк"нинг "Водил" минибанки раҳбарлари билан жиноий тил бириктириб, тумандаги фермер хўжалигининг ҳисоб-рақамидан ўзига тегишли "Ғаллакор саховат юлдузи" деҳқон хўжалигига 1 миллион сўмни тўлов топшириқномасиз ўтказиб юборган. Сўнг бу маблағни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддаси 3-қисмига кўра, талон-торож қилинган мулкнинг қиймати энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан ошмаса, бундай талон-торож оз миқдордаги талон-торож қилиш, деб ҳисобланиши белгиланган. Шу сабабли кассация инстанцияси ажрими билан биринчи босқич судининг А.Исаковга нисбатан ҳукми бекор қилиниб, қонунга мувофиқлаштирилди ва ушбу жиноят иши Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси 2-бандига асосан тугатилди.

Юқоридаги мисолдан ҳам кўриниб турибдики, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари жиддий тарзда кучайтирилгани судда ишларни юритишда кассация инстанциясининг ислоҳ қилиниши билан ҳам изоҳланади. Кассация тартибида жиноят ишларини юритиш институти моҳиятига кўра, таъкидлаб ўтилганидек, суднинг қонуний кучга кирган қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишни назарда тутади.

Ўрни келганда, кассация институти ҳақида батафсил фикр юритадиган бўлсак, амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 498-моддасида ҳукм ва ажрим устидан кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар белгилаб қўйилган. Ушбу ҳуқуқий нормага биноан, маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, унинг вакили суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ва ажрими устидан, агар иш апелляция тартибида кўрилган бўлмаса, кассация тартибида шикоят беришга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар қонуний кучга кирган ҳукм ва ажрим (қарор) устидан, агар иш апелляция тартибида кўрилган бўлмаса, кассация тартибида протест билдиришга ҳақли ҳисобланади.

Islohot va samara

«Хабеас корпус» институти

одил судлов самарадорлигини янада ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг самарали воситасидир

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ жиноят ишини қўзғатиш, иш юзасидан айблов хулосасини ўқиб эшиттириш сингари ҳуқуқларнинг судлар ваколатидан чиқарилиши суднинг холислигини таъминлаш, жиноят ишини кўриб чиқиш жараёнида тортишув тамойилининг кучайиши борасида муҳим асос бўлди.

Суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ этиш жараёнида жиноий жавобгарликни ва жазоларни, шунингдек, жазони ижро этиш тизимини либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш муҳим йўналишлардан бирига айланди. Натижада 1994 йилда қабул қилинган Жиноят кодексидаги инсон қадр-қиммати ва шаънини камситувчи хусусиятларга эга бўлган — сургун, бадарға қилиш, вазифасидан бўшатиш, жамоат иззаси каби жиноий жазо турлари чиқарилди, ўлим жазоси белгиланган моддалар сони 33 тадан 13 тага туширилди. Энг муҳими, ҳар бир инсоннинг Конституцияда белгиланган узвий яшаш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида, ўлим жазоси белгиланган моддалар йилдан-йилга қисқартирилиб, 2008 йилдан бошлаб Ўзбекистонда ўлим жазоси бекор қилинди.

2001 йил 29 августдаги "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун билан жиноят содир этган шахсни уйидан, рўзғоридан айириш ва яна энг номақбули —оиласи, фарзандларининг асосий тирикчилик манбаидан маҳрум этишга олиб келувчи молмулкни мусодара қилиш жазоси жазо тизимидан бутунлай чиқарилди.

Энг муҳими, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари натижасида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этиб, ўз айбига иқрор бўлган, жабрланувчи билан ярашган ва етказилган зарарни қоплаган шахсларни жазоламай туриб ҳам жазодан кўзланган мақсадни таъминлаш мумкинлигини инобатга олиб, Жиноят кодексига ярашув институти киритилди.

Шунингдек, ўтган даврда прокурор ва адвокатнинг суд жараёнининг барча босқичларидаги тортишувлари тенглигини, шахсларга малакали юридик ёрдам олиш кафолатини таъминлашга қаратилган мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, ҳимоячига жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслардан мутлақо мустақил равишда жиноят иши процессининг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам кўрсатиш ҳуқуқи берилди. Ҳимоячининг ўз ҳимоясидаги шахс билан учрашиш учун рухсат олиш мажбуриятини белгилайдиган нормалар жиноят-процессуал қонунчиликдан чиқарилди.

Шу билан бирга, 2008 йил 15 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги қонун билан жиноят процессида шахсни ҳар қандай шахс эмас, фақат махсус билим ва тажрибага эга адвокатлар ҳимоя қилиши мумкинлиги, 2009 йил 11 сентябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун билан эса, фуқаролик процессида ҳам вакил сифатида профессионал фаолият билан фақат адвокатлар шуғулланишига оид қоидалар белгиланди. Натижада жиноят процессининг юридик ёрдамга муҳтож иштирокчиси бўлган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини, шунингдек, фуқаролик процессида тарафларни Конституцияда белгиланган малакали юридик ёрдам билан кафолатли таъминлашга эришилмоқда.

Айтиш керакки, жиноят-процессуал қонунчиликни эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида судга қадар иш юритиш босқичида суриштирув ва дастлабки тергов устидан суд назоратини кучайтириш, ишларни кўриб чиқиш тартибини соддалаштириш, жиноий ишларни тергов қилиш ва судда кўриш муддатларини қисқартиришга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Конституциямизнинг 19-моддасида "Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас", деган норманинг белгиланиши "Хабеас корпус" институтининг дастлабки қонунчилик асослари яратилганлигини тасдиқлайди. Конституциямизнинг 44-моддасида эса, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи кафолатланиши мустаҳкамланган.

Мазкур конституциявий нормаларнинг амалиётда кенг қўлланилишини таъминлаш, шунингдек, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатларини жиддий тарзда кучайтириш мақсадида, бундан роппароса 10 йил муқаддам давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида суд-ҳуқуқ тизимидаги устувор йўналишларга тўхталиб: "бошқа демократик давлатлар каби Ўзбекистонда ҳам шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, шунингдек, бошқа процессуал мажбурий чораларини қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқларини ҳам судларга ўтказиш керак", дея таъкидлаган эди.

Зотан, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири — бу инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асоссиз жиноий таъқиб ва хусусий ҳаётга аралашишдан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқларини самарали муҳофаза этилишини таъминлаш ҳисобланади.

Ушбу ғояларнинг мантиқий давоми сифатида 2005 йил 8 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **"Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"**ги Фармонининг қабул қилиниши мамлакатимизда инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асоссиз жиноий таъқиб ва хусусий ҳаётга аралашишдан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқларини суд орқали самарали ҳимоя этилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Мазкур фармонда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи зарур тайёргарлик тадбирлари, яъни бу соҳадаги хорижий тажрибани ўрганиш, судлар томонидан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини амалга оширишнинг ташкилий-процессуал механизмларини ишлаб чиқиш, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизими кадрларини тегишлича тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш каби ишлар бажарилгач, 2008 йил 1 январдан эътиборан судлар ваколатига ўтказилиши белгиланди. Шунингдек, 2007 йил 11 июлдаги **"Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун билан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судлар томонидан амалга оширилишига оид қонунчилик асослари яратилди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида "Хабеас корпус" институти қўлланилиши доирасини янада кенгайтириш мақсадида, судга қадар иш юритув босқичида қўлланадиган лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш таклиф этилди. Бу, шубҳасиз, суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш, фуқароларнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқларини самарали таъминлашга қаратилган ислоҳотларнинг узвий давоми ҳисобланади.

Маълумки, лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини бевосита чекловчи процессуал-мажбурлов чораларидандир. Бундай ҳолатда лавозимидан четлаштирилган шахснинг Конституциямизнинг 37-моддасида белгиланган меҳнат қилиш, эркин касб танлаш каби бир қатор ҳуқуқлари қонунда белгиланган асосларга кўра чекланади.

Шунингдек, Конституциямизнинг 19-моддасига кўра, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларидан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Шунинг учун ҳам бу каби процессуал мажбурлов чоралари фақат суднинг санкцияси билан қўлланилиши қонунда белгиланди.

Қолаверса, хорижий давлатлар жиноят-процессуал қонунчилигида, хусусан, Францияда айнан лавозимдан четлаштиришга ўхшаш чора судьянинг ташаббуси, шунингдек, айбловчининг таклифи ёки манфаатдор иштирокчиларнинг илтимосномаси билан суд томонидан қўлланилади. АҚШ, Германия қонунчилигига кўра ҳам айбланаётган шахс судьянинг қарори билан шартли равишда вақтинчалик лавозимидан четлаштирилиши мумкин. АҚШда шахсни тиббий муассасага жойлаштириш прокурорнинг мурожаати бўйича суд буйруғи орқали, Францияда иккита процессуал ҳужжат — прокурорнинг илтимосномаси ва психиатрик экспертнинг хулосаси асосида суд буйруғи билан, Германияда эса, прокурор илтимосномаси билан суд томонидан қўлланилади.

Айтиш жоизки, лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал-мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартибининг жорий этилиши суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида "Хабеас корпус" институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш имконини берди.

Қамоққа олишга санкция бериш эҳтиёт чораси, лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал-мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартибининг белгиланганлиги, авваламбор, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз эканлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги ҳақидаги конституциявий норманинг амалда рўёбга чиқишининг яққол ифодасидир.

Бу билан, шунингдек, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини одил суд орқали муҳофаза қилиш кучайди ҳамда қўшимча кафолатлар белгиланди. Судга қадар иш юритиш босқичида фуқаролар ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳамда уларнинг дахлсизлигини таъминлашда суднинг ваколатлари кенгайтирилди. Суднинг мустақиллиги, суд ҳокимиятининг таъсирчанлиги ошди. Бу эса, фуқароларнинг судларга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда. Қолаверса, бундай оқилона тартиб ижтимоий ҳаётимизда одил судлов тамойилларининг янада тўлароқ намоён бўлишини таъминламоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, "Хабеас корпус" институтининг қонунчилигимиз ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига татбиқ қилиниши суриштирув, тергов ва суд амалиётида фуқаролар эркинлиги ҳамда дахлсизлигини таъминлаш учун янада холис ва самарали механизмни жорий этиш имконини берди. Шунингдек, суриштирув ва тергов органлари ходимларининг масъулиятини, дастлабки терговнинг сифатини тубдан оширди.

Нодир МУХТОРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, юридик фанлар номзоди

Mezon

Тадбиркорлик фаолиятининг кафолатли ҳимояси

юртимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлигининг асосий омилларидан биридир

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шунингдек, ҳисобот тақдим этишнинг шакл ва турлари, тадбиркорлик фаолиятига асоссиз ва ноқонуний аралашувлар, уларнинг молия-хўжалик фаолиятида ўтказиладиган текширишлар сони кескин қисқартирилди.

Айниқса, кейинги йилларда тадбиркорлик фаолиятига янада кенг имкониятлар яратилмоқда. Президентимизнинг жорий йил 15 майда қабул қилинган **"Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони бу борада навбатдаги муҳим қадам бўлди.

Ушбу муҳим ҳужжат юртимиз иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрнини тубдан ошириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулкнинг, жумладан, чет эл капитали иштирокидаги улушини изчил оширишга қаратилган.

Мазкур Фармон билан бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритиш белгиланган. Шуни инобатга олган ҳолда, хорижий инвесторларни асосан саноатнинг юқори технологиялари соҳасига жалб қилиш, инвестиция киритишни янада рағбатлантириш ҳамда инвестиция жараёнида хўжалик субъектлари ва аҳолининг иштирокини янада кенгайтириш, шунингдек, инвестиция киритишга қўшимча шароитлар яратиш, ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадида амалдаги инвестиция соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш талаб этилади.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармони ҳамда шу йил 28 апрелда қабул қилинган **"Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори ижроси доирасида тадбиркорлик субъектларига қўшимча қулай шароитлар яратиш ғоят долзарб аҳамиятга эга. Шу боис ушбу йўналишдаги қонун ижодкорлиги жараёнларида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг парламент қуйи палатасидаги фракцияси ҳам фаол иштирок этмоқда.

Бу ҳақда сўз борганда, яқинда Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунни ишлаб чиқиш ва маромига етказишда фракциямиз аъзолари, айниқса, фаоллик кўрсатганини қайд этиш лозим.

Мазкур қонунни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад — хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш билан боғлиқ қонунчиликни янада такомиллаштиришдан иборатдир.

Масалан, Жиноят кодексининг амалдаги ҳолатида жиноий жавобгарлик билан бир қаторда (жарима, қамоқ, озодликдан маҳрум этиш) Солиқ кодексининг 114-моддасига асосан, товарларни реализация қилишдан тушган тушум яширилган (камайтириб кўрсатилган) суммасининг 20 фоизи миқдорида жарима солишга ҳам сабаб бўлиши белгилаб қўйилганди. Бу эса, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иш фаолиятига салбий таъсир этибгина қолмай, айни чоғда, судланган шахслар сони ҳамда тергов ва суд органлари иш ҳажмининг янада ошишига олиб келарди.

Маъқулланган янги қонунда эса, жиноий жавобгарликни янада либераллаштириш мақсадида, Жиноят кодексининг "Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш" номли 184-моддаси ва Жиноят-процессуал кодексининг 333-моддаси ("Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш")га муайян ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, Жиноят кодексининг 184-моддасида назарда тутилган жиноятни биринчи марта содир этган шахс солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат солиқ хизмати қарорини олган кундан бошлаб ўттиз кун ичида солиқ ва бошқа тўловлар, жумладан, пеня ва бошқа молиявий санкциялар кўринишида давлатга етказилган зарарни қоплаган тақдирда, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилмаслиги белгилаб қўйилди.

Энг асосийси, бу каби муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар юртимизда тадбиркорлик муҳитини янада яхшилашга ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Бир сўз билан айтганда, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш фаолиятимизнинг асосий мезони ҳисобланади. Чунки тадбиркорлик тараққий этса, юртимиз янада обод, халқимизнинг турмуш шароити бундан-да фаровон бўлади. Биз барпо этаётган жамиятнинг мақсад-муддаоси ҳам аслида шу.

Элдор ТУЛЯКОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

институти

одил судловни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади

Айтиш керакки, Жиноят-процессуал кодексининг 499-моддасига биноан, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судига, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига кассация тартибида шикоят бериш ва протест келтириш мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан — шу судларнинг судлов ҳайъатларига; Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан — шу суднинг судлов ҳайъатига; округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судига, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан эса, шу суднинг судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдириш мумкинлиги ҳам қонунда назарда тутилган.

Айтиш керакки, кассация шикоятлари ва протестлари ҳукм чиқарган суд орқали берилади. Шикоят ёхуд протест бевосита кассация инстанцияси судига топширилган бўлса, суд уларни ҳукм чиқарган судга Жиноят-процессуал кодексининг 479-моддаси иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган талабларни бажариш учун юборади.

Шикоят ёки протестда оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги, жазони кучайтириш ёки маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган бошқа ўзгаришлар назарда тутилган бўлса, суднинг айблов ҳукмини ёки ажримини (қарорини), шунингдек, суднинг оқлов ҳукмини ёхуд ишни тугатиш тўғрисидаги ажримини (қарорини) кассация тартибида қайта кўриб чиқишга улар қонуний кучга кирганидан кейин бир йил мобайнидагина йўл қўйилади. Ушбу қоида Жиноят-процессуал кодексининг 500-моддасида мустаҳкамланган.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексида ҳукм устидан шикоят бериш ёки протест билдиришнинг оқибатлари, шикоят ёки протестни қайтариб олиш, ишни кўриб чиқишга тайинлаш ва суд мажлисига иштирокчиларни чақириш, кассация инстанцияси судида жиноят ишини кўриш, қўшимча кўриш тартиблари белгилаб қўйилди.

Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг яна бир муҳим натижаси шундан иборатки, фуқароларнинг биринчи инстанция судларининг қарорларига нисбатан шикоятларини яширин, ёпиқ тарзда кўриб чиқиш тартиби батамом тугатилди. Амалга оширилган бу каби кўплаб ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатадики, жорий этилган янгиликлар биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни ўз вақтида тузатиш, суд фаолиятида сансалорликларга йўл қўймасликнинг муҳим кафолатига айланди.

Шундай қилиб, кассация инстанциясининг қонунчилигимизга жорий қилиниши суднинг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари ҳар томонлама сифатли ва адолатли бўлишини таъминлашга ҳамда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларининг тўғри татбиқ қилинишига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишига янада самарали хизмат қилмоқда. Зеро, одил судловнинг асосий мақсад- вазифаси ҳам фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилишдир.

Муроджон МИРЗАЖОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг раиси

Ehtiyot bo`ling, firibgar!

Ишончни суиистеъмол қилиш

жиноий жавобгарликка сабаб бўлади

Бу ҳаётда ростгўйлик, ҳар бир ишда адолат тамойилларига қатъий риоя этиш юксак инсоний фазилатлар сирасига киради. Аксинча, ўзгаларнинг ишончини суиистеъмол қилиш, ваъдага вафосизлик каби иллатлар охир-оқибат кишини юзшувут қилиши ҳаётда кўп марта ўз исботини топган. Афсуски, ҳаётда баъзан нафс қутқусида ўзига билдирилган ишончни суиистеъмол қилиб, ўзгалар мулкини талон-торож этишдан тап тортмайдиган кимсалар ҳам учраб туради. Аслида бундай қилмиш қонунчиликда фирибгарлик деб аталиб, унга нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланган.

(Давоми тўртинчи бетда)

Hikmat

Донолар дейдиларки

Сўз — инсон ақлига далил.

* * *

Инсоннинг одобли бўлиши олтинга эга бўлишидан кўра хайрлидир.

* * *

Бахт — яхши кайфият, фаровонлик, уйғунлик, мутаносиблик ва вазминликдир.

* * *

Кишининг хулқи яхши, демакки, иши яхши.

* * *

Кулар юзли, ширин сўзли бўлиш бир эҳсондир.

* * *

Илм мулойимлик билан камолотга эришади.

* * *

Гўзал хулқ — бировга азият етказмаслик, ғазабини сўндириш, ўзини хотиржам тутиш ва ширинсуханликдандир.

* * *

Вақти-соати ўтгандан сўнг ижро бўладиган ваъдадан ҳеч бир яхшилик бўлмас.

Ватанга муҳаббат ва ифтихор туйғуси юксалмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилган тадқиқотда аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари (давлат хизматчилари, тадбиркорлар, фермерлар, талаба ва ишчилар), эркаклар ва аёллар, ёшлар, пенсионерлар, турли миллат ва элат вакиллари иштирок этди.

Ижтимоий сўров натижаларига кўра, мамлакатимиз фуқаролари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 24 йиллигини кўтаринки кайфият, Ватандан ифтихор туйғуси ва келажакка ишонч руҳида кутиб олмоқда. Сўров қатнашчиларининг аксарияти (99,2 фоизи) ўтган вақт давомида мамлакатимиз халқаро миқёсда муносиб ўрин эгаллаб, жаҳон ҳамжамияти томонидан миллати ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, барча фуқаролар учун қулай шароитлар яратилган давлат сифатида эътироф этилганини қайд этди.

Бунга Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар стратегиясининг тўғри танлангани ва пухта ўйланган туфайли эришилмоқда. Буни сўровда қатнашганларнинг фикри ҳам тасдиқлайди. Масалан, фуқароларнинг 96,8 фоизи иқтисодиётимиз юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиб бораётгани, 94,8 фоизи фуқаролар юқори даражада ижтимоий ҳимояга олингани, 96,9 фоизи инсоннинг шахсий хавфсизлиги таъминланиш даражаси ўсгани, 95,7 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун зарур шароитлар яратилгани, 96,1 фоизи халқ ва олий таълим тизими ислоҳ этилаётгани, 96,6 фоизи тиббий хизматлардан фойдаланиш самарадорлиги ўсгани, 96,8 фоизи аҳоли транспорт хизматлари билан юқори даражада таъминлангани, 96,4 фоизи инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, 92,3 фоизи атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида юқори натижаларга эришилаётганини таъкидлади.

Фуқароларимиз хотин-қизларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамиятда мавқеини юксалтириш, салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни таъминлаш йўлида амалга оширилаётган давлат сиёсатини юқори баҳолади. Айниқса, Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилинган жорий йилда ёши улуғ инсонларга ҳурмат ва эҳтиром янада кучайди.

Сўров натижалари фуқароларнинг оила, жамият, мамлакат олдидаги шахсий масъулияти ошгани ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этаётганидан далолат беради. Мустақиллик йилларида фуқароларнинг қонунларга нисбатан энг юқори рейтинги қайд этилди. Сўров иштирокчиларининг 86,5 фоизи фуқароларнинг инсон ҳуқуқларига нисбатан ҳурмати ошганини таъкидлади. Мазкур натижалар "The World Justice Project" мустақил халқаро ташкилоти томонидан мамлакатимизга юқори баҳо берилгани бежиз эмаслигини яна бир бор тасдиқлайди. Унга кўра, Ўзбекистон қонун устуворлигининг асосий кўрсаткичлари бўйича жаҳондаги етакчи беш давлат сафига қўшилган.

Ижтимоий тадқиқот натижаларига мувофиқ, истиқлол йилларида Ўзбекистоннинг изчил ривожланиши, давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ошгани кўп жиҳатдан мамлакатимизда ҳукм сураётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий барқарорлик билан белгиланади. Жорий йилда мамлакатимиз фуқаролари сайловолди кампанияси ва сайлов жараёнида фаол иштирок этди. Иштирокчилар ўтказилган сайловларда қатнашиш уларга ўз фуқаролик бурчи ва конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш имконини берганини таъкидлади. Сўров фуқароларимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Президенти сайловларида фаол иштирок этиб, ватанпарварлик туйғусини намоён этгани, мустақиллик йилларида уларнинг ҳуқуқий маданият, фаол фуқаролик позицияси ва мамлакат тақдири учун шахсий жавобгарлик ҳисси ошганини кўрсатди.

Тадқиқот натижалари мамлакатимиз аҳолисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ишончи йилдан-йилга ортиб бораётганини тасдиқлади. Жамоатчилик фикри мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари аҳоли ишончини қозониб, халқимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганидан далолат беради.

Шунингдек, сўров фуқароларимиз давлатимизнинг тинчликпарвар сиёсатини тўлиқ қўллаб-қувватлашини, дунёда юз бераётган ҳозирги нотинч ва таҳликали даврда Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталик, миллатлараро ва фуқароларо тотувлик, чегараларимиз дахлсизлигини сақлаш, барча мамлакатлар билан дўстлик ришталари ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини кўрсатди. Фуқаролар буларнинг барчаси бугунги кунда энг муҳим вазифа эканини яхши англайди.

Тадқиқот қатнашчиларининг 90 фоиздан ортиғи сўров давомида жамиятимиз ва давлатимизда тинчлик ва барқарорлик мустаҳкамланиб бораётгани истиқлол йилларида эришилган асосий муваффақиятлардан бири эканини ва бунга эришишда давлатимиз раҳбари муҳим ўрин тутаётганини қайд этди. Фуқароларимиз Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистонда хорижий давлатлар билан дўстлик алоқаларини ривожлантириш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ташқи сиёсатни тўлиқ қўллаб-қувватлайди, унинг мазмун-моҳиятини яхши англайди.

Мониторинг тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, бугун Ўзбекистон халқи ўзининг фуқаролик позицияси ва қадр-қимматини теран англайди, ўз келажаги, нима учун яшаётгани ва меҳнат қилаётгани ҳақида аниқ тасаввурга эга. Сўров маълумотларига кўра, 2015 йилда фуқароларнинг мамлакатимиз келажаги буюклиги ва янада фаровон бўлишига нисбатан ишончи 98,2 фоизга етган.

Мухтасар айтганда, ўтказилган сўров шундан далолат берадики, Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 24 йиллигини ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий ривожланиш борасида янги ютуқлар билан кутиб олмоқда. Ижтимоий сўровнинг асосий хулосаси шундан иборатки, истиқлол йилларида эришилган муваффақиятлар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган, жаҳонда тараққиётнинг "ўзбек модели" деб тан олинган, машҳур беш тамойилга асосланган ва пухта ўйланган тараққиёт моделининг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани самарасидир.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири

Garoyib olam

Одам боласининг ақл-заковати, ақлий қобилияти ва тафаккури шу даражада кенг имкониятга эгаки, уларни муаян тарзда ҳисоб-китоб қилиш ёхуд ўлчашнинг имкони мавжуд эмас.

Биз билган ва билмаган дунё



САРҲАД БИЛМАС ТАФАККУР ҚУДРАТИ

Шунинг учун ҳам ҳаётда баъзан кимнингдир фавқулодда қобилияти, ақл бовар қилмайдиган кашфиётлари ҳақида эшитганда, беихтиёр ҳайратга тушамиз. Олимларнинг таъкидлашича, инсоният яратилганидан буён ўзининг тафаккур қудратини ҳали тўлиқ намоён этгани йўқ, яъни бу борада ҳали-ҳануз сир-синоатлигича қолиб келаётган жиҳатлар жуда кўп.

Масалан, жанубий африкалик сиёсатчи Ян Христиан Смэтс вояга етган пайтда 5 мингта китобни ёддан билган, бирмалик Виситтамб Вумса эса, 6 минг саҳифадан иборат ривоятларни илмий равишда хотирасида худди китобдагидек сақлаган.

Бундан ташқари қувваи ҳофизаси ўта кучли бўлган шахслар ҳам тарихда кўп учрайди. Масалан, россиялик Валерий Лавриненко икки ярим дақиқа ичида 100 та белгини, уч дақиқада эса, 200 белгини, ҳатто тартибини адаштирмай эслаб қолади. Тўғри, у бундай сердиққат машқларда кўпи билан иккиуч марта хатога йўл қўйиши мумкин. Бироқ бу арзимас камчилик унинг фавқулодда ўткир қобилиятига соя солмайди. Негаки, у сонларни исталган тартибда айтиб бериш билан чекланмай, ушбу сонларни унга айтган кишининг ташқи қиёфасини ҳам аниқ-тиниқ тасвирлаб бериши мумкин.

Кези келганда шуни айтиш керакки, ҳаётда кучли хотирага эга бўлиш ҳамиша асқотган. Масалан, хитойлик Гу Янлин ўзининг ана шундай ажабтовур хотирасидан ҳаётда унумли билан фойдаланган. Гап шундаки, Гу Янлин ўн беш мингдан ортиқ хонадон соҳибларининг телефон рақамларини ёддан билган. Айниқса, Тасманиядаги маълумотлар бюросининг дунёга машҳур тезкор ходими Паула Прентиснинг хотирасига қойил қолмай иложингиз йўқ. У оз эмас, нақд ўн мингга яқин абонентнинг телефон рақами, исм-шарифи, манзили ва ташкилот номларини ёддан билади. Энг асосийси, бирон-бир ўта тезкор ва шошилинч маълумотга зарурат туғилса, маҳаллий қутқарув хизмати ходимлари сира иккиланмай дарҳол унга мурожаат қилишади. Бундан ҳам қизиғи шундаки, Паула ўзининг телефон рақамини ёддан билмайди, шунинг учун уни ён дафтарига ёзиб ҳамиша ўзи билан бирга олиб юради.

Хотира ҳақида гап кетганда, Самвел Гарибяннинг қобилиятига кўпчилик сўзсиз тан беради. Нега деганда, у ҳеч бир хатосиз ўнта хорижий тил ичидан ихтиёрий тарзда айтилган мингга яқин сўзни бир эшитишдаёқ яна айнан такрор айтиб бера олади.

Америкалик Барбара Мур ҳам бу борада ундан қолишмайди, у фавқулодда кучли хотирасига таянган ҳолда 1 852 та қўшиқни пианинода ижро этиб, ҳаммани лол қолдирган. Унинг иштирокидаги антиқа концерт 1988 йил 23 октябрдан 13 ноябрга қадар қўшиқларнинг қатъий кетма-кетлиги асосида узлуксиз давом этган.

Инсон миясининг имкониятларига тааллуқли яна бир ғаройиб воқеа 1996 йил 24 июнь куни Канадада Жаҳон Гиннеслар рекорди музейи биносида қайд этилган: америкалик Дейв Фэрроу чийланган 52 та қарта дастасида қарталарни изма-из жойлашиш тартибини бир қарашда эслаб қолган. Фақат у бир марта хатога йўл қўйган экан. Ҳолбуки, ўшанда у қарталарга фақатгина бир мартагина назар ташлаган, холос.

Польшанинг "Гурник" футбол клуби хазинабони Леопольд Хельд ҳам хотираси билан мақтанса, арзийди. Чунки у нафақат ўз жамоаси қайд этган натижалар ва ўйин тафсилотлари, балки ўзининг 12 йиллик иш фаолияти мобайнида ўтказилган барча ўйинлардан тушган умумий даромадни ҳам миридан-сиригача ёддан билади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Qonun ko`magi

Мулкий ҳуқуқлар

шартнома шартларига амал қилиш билан таъминланади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Агар бошқа юридик фактлар умумий қоида бўйича ҳуқуқий муносабатни вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш билан тугалланса, шартнома мазкур юридик фактлардан фарқли равишда муносабатни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишдан ташқари яна ҳуқуқ нормалари билан белгиланган доираларда ҳуқуқий муносабатда қатнашувчиларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солади, уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилайди.

Шартнома тарафларнинг бир-бирига нисбатан ишончига асосланганлиги боис унинг ўзгартирилиши ва бекор қилиниши учун шартнома тарафларининг ўзаро келишувининг ўзи кифоядир. Агар бундай келишувга эришилмаса, шартнома тарафлардан бирининг талаби билан суд томонидан, Фуқаролик кодексининг 382-моддаси 2-қисмига биноан, фақат иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса ёки қонун ва шартномада назарда тутилган ҳоллардагина ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратсак, даъвогар М.Қораева жавобгар Р.Омоновага нисбатан уй-жой олди-сотди шартномасини бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган. Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан унинг даъвоси рад қилинган. Лекин апелляция инстанция судининг ажрими билан қуйи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони



қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинди. Чунки ишдаги ҳолатларга қараганда, даъвогар М.Қораева билан жавобгар Р.Омонова ўртасида уй-жой олди-сотди шартномаси тузилиб, у нотариал тартибда расмийлаштирилган. Шартнома шартларига кўра, даъвогар М.Қораева келишилган пулни тўлиқ олгач, уйни бўшатиб бериш, Р. Омонова эса, келишилган пулни шартнома тузилгандан сўнг бир ҳафта ичида тўлаш мажбуриятини олган. Аммо жавобгар Р.Омонова шартнома шартларига амал қилмай, уй-жой учун пулнинг бир қисмини тўлаб, қолган қисмини даъвогар уйни бўшатиб бергандан сўнг тўлашини билдирган. Бунинг устига у М.Қораевадан уйни бўшатиб қўйишни талаб қилган. Р.Омонова бу хатти-ҳаракати билан олди-сотди шартномасида келишилган талабларни бир томонлама бажармаган.

Айтиш керакки, амалдаги Фуқаролик кодексининг 382-моддаси 2-қисмида бир томон шартномани қўпол равишда бузса, тарафларнинг бирининг талаби билан шартнома суд томонидан бекор қилиниши қайд этилган. Шунингдек, ушбу кодекснинг 419-моддаси биринчи қисмида агар қонун ҳужжатлари ёки олди-сотди шартномасининг шартларидан товар баҳосини муайян муддатда тўлаш мажбурияти келиб чиқмаса, сотиб олувчи сотувчи ўзига товарни ёки ушбу товарни тасарруф қилиш ҳужжатларини берганидан сўнг кечиктирмасдан тўлаши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Шу сабабли апелляция инстанция суди ушбу қонун нормаларига асосланиб даъвони қаноатлантиришни ва томонлар ўртасида тузилган олди-сотди шартномасини бекор қилишни лозим топди.

Хулоса қилиб айтганда, шартнома шартларига тўлиқ риоя этмаслик тарафлар ўртасидаги муносабатларга путур етказибгина қолмай, турли оворагарчиликларга ҳам сабаб бўлиши мумкин. Шундай экан, битимлардаги мажбуриятларни тўлиқ адо этиш тарафларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш, турли низоларнинг олдини олиш, умуман олганда, қонун устуворлигига эришишнинг муҳим мезони ҳисобланади.

Камал ТАРИХОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди раиси ўринбосари

Ehtiyot bo`ling, firibgar!

Ишончни суиистеъмол қилиш

жиноий жавобгарликка сабаб бўлади

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Шу ўринда ҳаётий мисолга эътибор қаратадиган бўлсак, Наманган туманида истиқомат қилувчи Алишер Суннатуллаев (исм-шарифлар ўзгартирилган) ёшлик чоғида бирон-бир касб-ҳунарнинг бошини тутишга интилмади. Ҳатто оила қуриб, 4 нафар фарзанднинг отаси бўлгунига қадар ҳам бирор жойда ёлчитиб ишламади. Бунинг ўрнига у пул топишнинг осон йўлларини излай бошлади. Аниқроқ айтганда, у ҳалол меҳнат қилишга бўйни тоб бермай, фирибгарлик жиноятига қўл урди. Энг ачинарлиси, у ўзининг таниши — Ғолибжон Хўжаназаровни "чув" туширди.

Гап шундаки, одатдаги учрашувларнинг бирида Ғолибжон тумандаги "Наврўз" қишлоғида жойлашган бир қаватли бинони сотиб олиш ниятида эканини айтади. Бу гап Алишерга мойдай ёқиб тушди-ю, кўпдан буён ўйлаб юрган қабиҳ режасини амалга оширишга киришади.

— Туман ва вилоят ҳокимлигида ишлайдиган танишларим бор, улар билан гаплашиб кўраман. Фақат харажатидан қочмасангиз бўлди, — дейди А.Суннатуллаев.

— Ҳаммасига розиман. Фақат шу бинони сотиб олишга ёрдам берсангиз бўлди, — дейди Ғолибжон соддадиллик билан.

Ўрни келганда шуни қайд этиш керакки, улар назарда тутган бино собиқ "Попматлуботсавдо" МЧЖга қарашли 3-сонли савдо дўкони эди. Алишер буни суриштириб билгач, Ғолибжонга қўнғироқ қилади.

— Мен сиз айтган бинони ўрганиб чиқдим. Тахминан беш миллион сўмга баҳоланади. Майли, сизга тўрт ярим миллионга олиб бераман. Пулингизни тайёрлаб туринг.

Шундан сўнг Ғ.Хўжаназаров 500 АҚШ долларини Алишернинг қўлига тутқазди. Орадан ўн беш-йигирма кун ўтгач, А.Суннатуллаев ҳужжатлар тайёр бўлиб қолганини айтиб, яна 1 миллион 500 минг сўм пул зарурлигини айтади. Табиатан ишонувчан Ғолибжон бисотидаги бор пулини жамғарса-да, "ҳожатбарор" оғайниси айтаётган маблағни тополмайди. Шунга қарамай, 1 миллион 200 минг сўм миқдоридаги пулни Алишерга беради. Лекин ҳадеганда натижа бўлавермайди. Бинобарин, энди Ғолибжоннинг кўнглига шубҳа оралаб, "ҳожатбарор"ни қистовга олади.

— Ака, бу осон иш эмас. Сизга ўхшаган талабгорлар жуда кўп. Яқинда ҳал бўлади. Шунинг учун суюнчисини бермасангиз бўлмайди.

У шундай дея Ғ.Хўжаназаровни алдаб, яна 100 АҚШ долларини олиб кўздан ғойиб бўлди. Шундан сўнг у узоқ вақт қорасини кўрсатмай кетади. Кутакута тоқати тоқ бўлган Ғ.Хўжаназаров кунлардан бирида уни тасодифан кўчада учратиб қолади.

— Бу иш пишмайдиганга ўхшайди. Яхшиси, пулларимни қайтариб бераверинг, — дейди у Алишерга.

Бироқ Алишер бу гал ҳам унинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб кетади. Бу ҳолат бир неча марта такрорлангач, охир-оқибат сабр косаси тўлган Ғ.Хўжаназаров фирибгарга қонуний чора кўришни сўраб, СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Поп туман бўлимига мурожаат қилди. Бўлим ходимлари томонидан мазкур мурожаат бўйича тезкор табдир ўтказилди. Пировардида фирибгар А.Суннатуллаев Ғ.Хўжаназаровдан яна 1 миллион 700 минг сўм миқдоридаги пулни олаётган вақтда қўлга тушди.

Буни қарангки, шунча қилмишларига қарамай, суд мажлисида Ғолибжон Алишерга нисбатан бағрикенглик қилди. Яъни у етказилган зарар тўлиқ қопланган боис судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, унга енгиллик беришни сўради.

Суд бағрикенглик тамойилларига асосланиб иш кўрди. Аниқроғи, А.Суннатуллаевнинг чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги ва қарамоғида 4 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини инобатга олиб, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, бировни алдаш эвазига унинг мулкига эгалик қилиш ҳеч қачон яхшилик келтирмайди. Шундай экан, ҳалол меҳнат билан умргузаронлик қилиш умрга мазмун, кўнгилга хотиржамлик бағишлашини ҳамиша ёдда тутайлик.

Ҳилола СОТИВОЛДИЕВА,
жиноят ишлари бўйича Поп туман судининг судьяси
Хуршид СУЛТОНОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шоюнус ГАЗИЕВ
Светлана АРТИКОВА
Қўчқор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (8 371) 239-02-55, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@oliysud.uz
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-822. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 8234.
1 2 3 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 22³⁰